# О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И № 1

**Қарши шаҳри** **6 октябрь 2022 йил**

**IDEAL DIZAYIN MEBEL** хусусий корхонаси кейинги ўринларда ”Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи рахбари **Н.Норхужаев** номидан, бир томондан ва **Қарши мухандислик иктисодиёт институти** кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Қонунлар асосида иш юритувчи ректор **О.Ш.Базаров** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товарни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товарни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (маҳсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Парта стули** ( Парта стули полдан ўриндиқнинг юқори четигача бўлган баландлик 460 мм, ўриндиқ кенглиги 360 мм, ўриндиқнинг чуқурлиги 380 мм, орқа кенглиги 350 мм, полдан орқа томоннинг юқори четигача бўлган баландлик 850 мм) | Дона | 40 | 216000 | 8 640 000 |
| 2 | **Офис креслоси** ( Офис креслоси Материаллар тўр, чарм Максимал юк 120 кг гача Созлаш мавжуд Ҳажми – Тебранувчи механизм тури Қўшимча маълумотлар Максимал юк: 120 кг гача Дизайн: бош суяги, қўлтиқчалар, ғилдираклар (роликлар) Кўндаланг материал: металл Ўриндиқ баландлигини созлаш: газ лифти Кресло баландлиги: 118 дан 130 см гача Ўриндиқ баландлиги: 46,50 дан 56,50 см гача Ўриндиқ чуқурлиги: 50 см Ўриндиқ кенглиги: 47 см Хусусиятлар: тебранадиган механизм) | Дона | 5 | 5500000 | 27 500 000 |
| 3 | **Офис креслоси** Офис креслоси Кресло ўлчамлари (ГхЙхД): 52 x 111-118 x 55 см Мебел материали: эко-чарм Ранги: қора Максимал юк: 110 кг) | Дона | 10 | 3120000 | 31 200 000 |
| 4 | **Хона стули** ( Юмшоқ қопламали суянчиқ, ёстиқли суянчиқ ва ўриндиқли. Табиий табиий материалдан - қаттиқ ёғочдан тайёрланган. Стандарт ўлчам .Ҳажми 460мм * 430мм * 960мм.) | Дона | 150 | 450000 | 67 500 000 |
| 5 | **Офис мебеллар туплами** (Офис тўплами Тўпламга 4 та буюм киради: **1**. МДФ ва ёнғоқ қопламасидан тайёрланган офис столи, фасад акрил 18 мм чети 2 мм махсус лак. Рангли "ёнғоқ" Стол ўлчами: 1600ммW*800ммД*750ммҲ **2**. МДФ ва ёнғоқ қопламасидан ташриф буюрувчи учун стол, фасад акрил 17 мм чекка 2 мм 800ммW*600ммД*750мм махсус лак **3**. Мобил шкаф. МДФ қопламали ёнғоқ, зираворли ёнғоқдан тайёрланган» Ўлчамлари: 800ммW*450мм. 750 мм **4**. Офис китоб жавони (3 эшикли) Ҳажми 1400ммW*400ммД*1500ммҲ МДФ ёнг‘оқ қопламасидан, махсус лакдан тайёрланган. Ёнғоқ ранги. Унинг тепасида иккита шиша ва битта ёпиқ ментеşали эшиклар ва пастки қисмида учта ёпиқ эшиклар мавжуд бўлиб, улар МДФ профили билан ўралган) | Комлект | 15 | 15600000 | 234 000 000 |
| 6 | **Диван кресло** (1 та диван 2 та креслони ўз ичига олади!! Юмшоқ мебел Диван 1500x1000x500мм Кресло 2 дона 1000x800x500мм, материал: қарағай ёғоч, юмшоқ мато, Трансформатсия механизми) | Комплект | 4 | 5600000 | 22 400 000 |
| | **Жами** | | | | **391 240 000** |

1.2.Шартноманинг умумий суммаси: 391 240 000 (Уч юз туксон бир миллион икки юз кирк минг ) сўм.

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 391 240 000 сўмни ташкил этади.
2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 117 372 000 сўм, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг октябр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 273 868 000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади.
2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги 1154-сонли фармонига асосан барча мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг истеъмолчилар ва буюртмачиларга, агар улар етказиб бериладиган (бажариладиган ишлар, хизматлар) қийматининг камида 30 фоизини олдиндан тўламасалар, маҳсулот жўнатиши, ишларни бажариши ва хизматлар кўрсатилиши тақиқланган. “Сотувчи” мазкур фармонга амал қилиши шарт.
2.4. Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.
2.5 Махсулотни етказиб бериш муддати “ 30 “ ноябрь 2022 йилгача.

## 3. ТОВАР (МАҲСУЛОТ)НИНГ СИФАТИ

3.1. Сифат товар (маҳсулот)ларнинг ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.
3.2. Сотувчи тўпламда яроксиз махсулот мавжудлиги хакида хабар олган пайтдан бошлаб 5 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни алмаштириб беришга мажбур.
3.3. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
3.4. Ишлаб чиқаришга оид нуқсонлари аниқланганлиги муносабати билан Сотиб олувчи томонидан кафолатли муддат доирасида қайтарилган товар (маҳсулот)лар Сотувчига қайтариб берилиши лозим, бунда Сотувчи уларнинг қийматини тўлиқ қоплаб бериши ёки Сотиб олувчи билан келишган холда <u>5</u> кун ичида яроқсиз товар (маҳсулот)ларни сифатли товар (маҳсулот)ларга алмаштириб бериши керак.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур Шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик холида, Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. 2006 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг Ғазна ижроси тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигиининг 2005 йил 5 майдаги 63-сон буйруғи билан тасдиқланган “Молия органларида бюджетдан маблағ олувчилар билан товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг харажатлари тўловини назорат қилиш тартиби хақида” вақтинчалик низом **(1475-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатидан ўтказилган)**га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва “31 “декабр 2022 йилгача амалда бўлади.
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор холатларида

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади
7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Қашқадарё вилоят Иқтисодий судида ҳал қилинади.

## 8. ФОРС – МАЖОР

8.1. Айтиб бўлмайдиган, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даржада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«СОТУВЧИ»**

"Ideal Dizayn mebel" Х/К
Манзил:Қарши шаҳри Арал кўча 71 Б
Телефон: 97-641-07-17
Банк: Кишлок курилиш банк Қарши шаҳри
Х/р: 20208000705379161001
МФО: 00155
ИНН: 308415520
ОКОНХ: 87100 ОКЭД: 46490
НДС: 310010020212

**Рахбар** **Н.Норхужаев**

**«СОТИБ ОЛУВЧИ»**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ҚАРШИ Ш. МУСТАҚИЛЛИК 225-УЙ
СТИР: 200666914 ОКОНХ: 92110
Ш.Х.Р.: 400910860104017094100079002
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ
Х/Р: 23402000300100001010
МАРКАЗИЙ БАНК ТОШКЕНТ Ш. БОШ БОШҚАРМАСИ
МФО: 00014 СТИР: 201122919

**Ректор** **О.Ш.Базаров**

O'zbekiston Respublikasi
Advokatlar palatasi
Qarshi shahar Nasaf huquq
maslahatchisi advokatlar hay'ati

Палата адвокатов
Республики Узбекистан
Адвокатский коллегия "Насаф
ҳуқуқ маслаҳатчиси" города Карши

180108, Qarshi shahar, Нурбоғ ko'chasi, 230^A-uy 7-xona. Tel.: + (99897)312 63 63

06 октябрь 2022 йил

Қарши мухандислик иқтисодиёт институти билан "Ideal Dizayn mebel" хусусий корхонаси ўртасидаги 2022 йил 06 октябрь кунги №-1 сонли шартнома юзасидан

## ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мен М.Холмирзаев Қарши шаҳар "Насаф ҳуқуқ маслаҳатчиси" адвокатлар хайъатида № KS000040-сонли лицензия асосида фаолият кўрсатаман.

Шартномага кўра, Қарши мухандислик иқтисодиёт институти билан "Ideal Dizayn mebel" хусусий корхонаси ўртасидаги 2022 йил 06 октябрь кунги №-1 сонли шартномаси билан танишиб қуйидагиларни

## АНИҚЛАДИМ:

Ушбу шартнома бўйича "Ideal Dizayn mebel" хусусий корхонаси Қарши мухандислик иқтисодиёт институтининг буюртмасига мувофик мебел жихозларини етказиб бериш, буюртмачи тўловни амалга ошириши назарда тутилган. Шартнома киймати 391.240.000 сўмни ташкил қилади.

Қарши мухандислик иктисодиёт институти "бажарувчи"дан спецификация асосида бажарилган ишларни қабул қилиб олишга ва тўловларни амалга оширишга келишилган бўлиб, шартнома шартлари, жумладан, мажбуриятларни бажариш тартиби ва муддатлари, тўлов муддатлари, жавобгарлик масалалари, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, низоларни ҳал қилиш тартиби, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби ва бошқа шартлар Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодеси, Ўзбекистон Республикасининг 29 август 1998 йилдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун нормалари талаблари асосида тузилган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 353,357 ва 386 моддаларига асосланиб

## ХУЛОСА ҚИЛАМАН:

Қарши мухандислик иқтисодиёт институти билан "Ideal Dizayn mebel" хусусий корхонаси ўртасидаги 2022 йил 06 октябрь кунги №-1 сонли шартномаси Ўзбекистон Республикаси қонун талабларига мос равишда тузилган деб ҳисоблайман.

Қарши шаҳар "Насаф ҳуқуқ маслаҳатчиси"
адвокатлар хайъати адвокати: М.Холмирзаев.